

Talonrakennusteollisuus ry (Финляндия қурилиш саноати бирлашмаси)га аъзо компаниялар учун

## Финляндияга хориждан келувчи ишчилар учун кўрсатмалар

Коронавирус пандемияси тарқалишининг олдини олиш қурилиш ҳудудида ишловчи барчанинг умумий мажбуриятидир. Мазкур кўрсатмаларда Финляндияга хориждан келувчи ишчиларга йўл-йўриқ кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилган.

### Қатнов бўйича чекловлар

Финляндияга келганингизда иш берувчингиз билан биргаликда қатов бўйича жорий чекловларни текширинг.

Агар Финляндияга чекловлар ҳали ҳам амал қилувчи давлатдан келсангиз, ўзингизни 14 кун давомида карантинда сақлашингиз лозим.

[https://www.raja.fi/current\\_issues/guidelines\\_for\\_border\\_traffic](https://www.raja.fi/current_issues/guidelines_for_border_traffic)

### Қурилиш саноатида ўз-ўзини карантинда сақлаш

Ўз-ўзини карантинда сақлаш Финляндияга етиб келганингиздан кейин 14 кун давомида имкон қадар бошқа одамлар билан яқин алоқада бўлишнинг олдини олишингиз ва уйда қолишингиз лозимлигини англатади.

- **Ўзингизни карантинда сақлаш муддати давомида қурилиш ҳудудига борманг.**
- Уйда қолинг. Зарурат бўлмаса, уйингиздан ташқарига чиқмаслигингиз лозим.
- Жамоат транспортдан фойдаланманг.
- Бошқалар билан 1-2 метрлик масофани сақланг.
- Тавсияга мувофиқ юз ниқобидан фойдаланинг.

### Қурилиш ҳудудида ишлаш

Иш жараёни бўйича умумий кўрсатмалар

Барча ҳолатларда қуйидагиларни ёдда тутинг:

- Фақат соғлом бўлсангизгина ишга келинг.
- Бошқалар билан жисмоний алоқага киришишдан сақланинг. Ҳеч ким билан қўл бериб ёки қучоқлашиб кўришманг.
- Бошқалар билан камида 1-2 метрлик хавфсиз масофани сақланг.
- Аксирган ёки йўталганингизда оғзингизни бир марталик сочиқча ёки енгингиз билан тўсинг.
- Қўлингизни совун билан яхшилаб ювинг ва гигиена қоидаларига риоя қилинг.

- Koronavilkku иловасини телефонингизга юклар олинг. Koronavilkku – коронавирус билан зарарланган бўлсангиз, бу ҳақида сизни ўзининг мустақил баҳолаши асосида хабардор қилувчи мобил илова.  
<https://koronavilkku.fi/en/>

### Қурилиш ҳудудига бориш

- Жамоат транспортдан фойдаланишдан сақланинг.
- Қурилиш ҳудудига ўз автомобилингиз ёки иш берувчи томонидан ташкиллаштирилган транспорт воситасида бориш.

### Турар жой

- Бошқалар билан бирга яшаладиган ўйда ҳар доим етарлича хавфсизлик масофасини сақланг.
- Бир ўйда яшовчи бошқа кишилар билан жисмонан яқин алоқада бўлишдан сақланинг.
- Ошхона ва ҳожатхона каби биргаликда фойдаланиладиган шароитлардан навбат билан фойдаланишга келишиб олинг.
- Кофе машинаси, эшик тутқичлари ҳамда бошқа биргаликда фойдаланиладиган буюмларнинг юзасини артинг ва дезинфекция қилинг.

### Қурилиш ҳудудида ишлаш

- Таништириш жараёнида берилган кўрсатмаларга амал қилинг.
- Қурилиш ҳудудида ҳаракатланиш ва ишлаш жараёнида, шунингдек, танаффуслар пайтида бошқалар билан камида 1-2 метрлик хавфсиз масофани сақланг.
- Фақатгина белгиланган йўналишлардан фойдаланинг.
- Зарур ҳолларда ҳудудда ҳаракатланиш вақтлари бўйича келишиб олинг.
- Ижтимоий объектлардан фойдаланиш учун навбатингиз қачон келишини назоратчилардан сўранг.
- Агар ижтимоий объектлар фақат ўзингиз учун мўлжалланмаган бўлса, улардан фойдаланиш учун ҳудудда ишлаётган бошқа кишилар билан танаффусларни орасида етарлича вақт қолдирган ҳолда режалаштиришингиз лозим.

### Касал бўлиб қолганда нима қилиш керак

- Агар грипга чалинсангиз ёки коронавирус инфекциясини юқтириб олган бўлишим мумкин деб ўйласангиз, қурилиш ҳудудига борманг. Ўз ўйингизда қолинг. Битта ўйда яшаётган бошқа кишилардан ўзингизни изоляция қилинг.
- Иш берувчи ёки шифокорингизга мурожаат қилинг.
- Ҳатто фақат енгил белгилари бўлса ҳам, коронавирусга тест топширинг.
- Иш берувчингиз ва қурилиш ҳудудидаги асосий пудратчингизни тест топшираётганингиздан хабардор қилинг ва уларга тестингиз натижалари ҳақида хабар беринг.